

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

ҒАФУР ҒУЛОМ

Таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан

ТОШКЕНТ -2003

ГАФУР ҒУЛОМ

Таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

ГАФУР ГУЛЯМ

К 100-летию со дня рождения

Методико-библиографическое пособие

ББК 78.342

Ғ79

Тузувчилар: М.Матмурадова
М.Зоитжонова
Г.Берман
И.Маркова

Бош муҳаррир: И.Маминова

Муҳаррирлар: Ҳ.Маматраимова
Т.Егорова

Компьютерда терувчи: З.Джалилова
М.Пальнова

Ғ79

Ғафур Ғулом = Гафур Гулям: Таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: Методик-библиографик қўлланма /Тузувчилар: М.Матмурадова, М.Зоитжонова, Г.Берман ва бошқ.; Бош муҳаррир: И.Маминова.-Т., 2003.-40 б.

Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Тит. в., текст ўзб. ва рус тилларида.

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма шоир ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

ББК 78.342+83.3 (5У)

№ 160-2003

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси

Буюк замонанинг янгроқ сасида
Ўлмайин яшамоқ бахт эрур олий.
Авлодлар тирик деб, кўрса сафида,
Бахтиёр шоирга шул эрур толе.
А.Орипов

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ўз мактабининг ноёб дурдона қалб эгаси. Шоир бу дунёда ўзига хос шеърят қасрини яратган. У ўзбек адабиётининг машҳур намояндаларидан бири.

Ғафур Ғулом адабиёт даргоҳига шоир сифатида кириб келган бўлса-да, дастлаб истеъдодли ҳикоянавис, фелъетончи, очеркнавис ва публицист сифатида танилди. Унинг ҳажвий ҳикоялари эл орасида шуҳрат топди. У ўзбек реалистик ҳикоялигига асос солганлардан бири бўлди ва умрининг охиригача бу соҳада муваффақиятли қалам тебратди.

Ғафур Ғулом ижодининг юраги бўлмиш инсонпарварлик руҳи баланд жаранглайди. У меҳнаткаш, пок, ҳалол, ўз ақл-фаросати, ўзининг пешона тери билан кун кечирувчи ва ҳаётни, жамиятни мукаммал қилишга интилган инсонни фаол ҳимоя қилди, унинг тақдири, бугунги ва эртаси учун санъаткорлик қалби билан умр бўйи кураш олиб борди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов: «Мана шу бугунги ҳаётимизда ва келажак авлодни ўстиришда Ғафур Ғуломнинг ижоди, албатта, бекиёс аҳамиятга эга. Унинг ҳиссаси ҳам жуда катта. Шунинг учун менинг тилагим шундайки, Ғафур Ғуломнинг ижодини фақат Ўзбекистондагина эмас, аввалом бор, ҳар томонлама бутун дунёга машҳур қилишимиз керак», - деб бежиз айтмаганлар.

Ҳақиқатан ҳам Ғафур Ғулом XX аср ўзбек шеъряти ва насрининг йирик, бетакрор вакилидир. У ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва ўзбек маданияти ривожига муносиб ҳиссасини қўшган сўз санъаткоридир.

2003 йил 10 майда шоирнинг таваллудига 100 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайдилар, чунки шоир талантининг ўткир қирралари ва ижоди кўпчилиكنи мафтун этиб келган, унинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил «Атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 349-сонли қарорини бажариш мақсадида қуйидаги тадбирлар режаси тузилди.

Театрларда «Адиб мероси – ёшлар талқинида» мавзусида янги спектакллар сахналаштириш, вилоятлар ва шаҳарлардаги адабиёт, ўлкашунослик музейлари ва кутубхоналарида адиб асарлари асосида турли оммавий тадбирлар ўтказиш. Республика театрлари сахнасида адиб асарларини намоиши ва унинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиш, барча вилоят маданият муассасаларида «Унутилмас сиймолар» туркумидаги шоир таваллудига бағишланган кечалар ўтказиш, телевидение ва радиода Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган туркум кўрсатувлар ташкил этиш.

Ушбу тадбирларнинг барчаси Ғафур Ғулом сиймосини абадийлаштиришга, унинг бой асарларида олға сурилган илғор ғоялар асосида халқни тарбиялашга, унинг бой меросини келажак авлодларга етказишга қаратилгандир.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхонлар диққатини Ғафур Ғулом ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, учрашув кечалари, хотира кечаси, давра суҳбати, беллашув ва мунозара кечалари, адабий-муסיқали кечалар, китоб кўргазмалари, асарларининг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган филологлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Олтин мерос», «Умид», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар, шоирлар, бастакорлар, санъаткорлар, хотин-қизлар кўмиталари, журналистлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда шоирнинг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишга кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Устоз Ғафур Ғулом тирикдан тирик
Ўзбек шеърятини жамоли-кўркам.
Шу улуғ бинога асос бўлгудек,
Ярқираб турибди у қўйган ғишт ҳам.
А.Орипов

Ғафур Ғулом ҳаёти ва фаолияти (1903-1966)

Ғафур Ғулом XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси. У ўзбек шеърятини, бадиий публицистикаси, фелъетончилиги, ҳажвий ҳикоячилиги, юмористик қиссачилиги ва таржимачилиги ривожига катта ҳисса қўшган йирик сўз санъаткоридир. У шеърятда ўз мактабини яратганлардан бири.

Ўзбек адабиётининг машҳур намояндаларидан бири Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Шайховантахур даҳаси Қўрғонтепа маҳалласида туғилди.

Отаси Ғулом Мирзо Ориф ўғли ва онаси Тошбиби Юсуф қизи ўқимишли, зеҳнли, форс тилини билган, адабиётни севган меҳнаткаш одамлар. Отаси татар, озарбайжон, рус тилларини ҳам билган. Онаси ҳам

ўзбекча, тожикча адабиётларни ўқиб, англаб оладиган зехнли аёллардан бўлган.

Ўткир зехнли Ғафур Ғуломнинг саводи жуда эрта чикди, тўққиз ёшида Навоий, Ҳофиз, Саъдий, Ғузулий асарларини севиб мутолаа қила бошлади. Унинг отаси 1912 йилда вафот этди.

Ғафур Ғулом таржимаи ҳолида шундай деган: «Отамдан қолган мерос олтита еярман, ичарман етимчалардан иборат эди. Онам отамга эрга чиқишда ўзи билан илгариги эридан қолган бир ўғлини эргаштириб келганки, менинг асосий мураббийим ҳам шу саналади. Отам ўлганда ўғай акам ўн саккиз ёшларга кирган бўлиб, машҳур бойлардан мулла Муборак Сиддиқмуҳамедовнинг универсал магазинида ҳар йилига 20 сўм маош билан приказчилик қилар эди. Онам ва опам дўппи, кийик тикиб, акамга ёрдамлашар эдилар.

Йиллар оғир ва аста ўтар эди. Мен ҳам энди маҳалламиздаги Ҳасанбой домланинг мактабида Бедилдан «Маслак»га ўтиб тугатган эдим. Бўйим чўзилиб қолган. Айниқса, мендан тўрт яшар катта бўлган опамнинг қадди камолга етган ва мулла Муборакнинг тамагир кўзларига нишон бўлаётган эди. Мулла Муборак икки мақсадни кўзда тутиб, биринчи – опамни ўз жиянига олиб бериш учун онамнинг кўзига иссиқ кўриниши, иккинчи – келажакда мендан содиқ бир кул тайёрлаш учун мени ўз тарбиясига олади. Жаҳид мактаби бўлган «Ҳаёт» мактабига ўз ўғиллари қатори қатнай бошлайман. Бу ерда бир йилча ўқийман», дейди.

Ғафур Ғулом аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди. Рўзғор тебратиш ва сингилларини боқиш ташвиши унинг олий мактабларда таълим олишига имкон бермаган. Фақат саккиз ойлик муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги усулдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. Унинг энг кучли, шафқатсиз, талабчан ўқитувчиси ҳаёт ва вақтли матбуот бўлади. Мустақил ўқиш орқали замонасининг илғор, етук зиёлиси даражасига кўтарилди. Жуда ёшлигидан масъул ишларда ишлай бошлади: бир вақтнинг ўзида икки мактабга мудирлик қилди, шаҳар маорифи ходимлари комсомол кўмитасига котиб ва маориф уюшмаси раиси ўринбосари бўлиб ишлади.

Сўнгра «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати», «Муштум», «Ер юзи» каби газета-журналларда адабий ходим, мудир, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаши туфайли тез ва ҳар томонлама ўсди, етилди.

У ўз ижодини 1923 йилда «Феликс болалари», «Гўзаллик нимада» каби асарлари билан бошлади.

Адиб ўз ижодининг дастлабки паллаларидан бошлаб шеърлар билан бир қаторда ҳикоялар, ҳажвия ва фелъетонлар яратишга ҳам катта урғу билан қаради.

Ғафур Ғуломнинг мамлакатни ҳимоя қилиш ҳақидаги тантанавор шеърлари, ўтмиш сарқитларини қораловчи ҳажвиялари ва халқнинг кундалик ижодий меҳнатини олқишловчи асарларидан жамланган «Динамо» ва «Тирик қўшиқлар» номли дастлабки шеърий тўпламлари 1931- 1932 йилларда

босилиб чикди. Адибнинг сатирик ва юмористик ҳикояларидан иборат «Ҳикоялар», «Кулги ҳикоялар» тўпламлари ҳам шу йилларда чоп этилди.

30-йилларда Ғафур Ғулом ҳикоя, очерк, фелъетонлар қатори бир неча повестлар ёзди. «Нетай» (1931) асари лирик-публицистик пардада учинчи шахсда ҳикоя қилинди. «Тирик мурда» (1934) сатирик пардада бўлиб, қаҳрамоннинг эсдалик дафтари шаклида ёзилади. «Ёдгор» (1936) эса, юмористик оҳангда бўлиб, воқеани бош қаҳрамоннинг ўзи ҳикоя қилади. «Шум бола» (1936, кенгайтирилган нусхаси, 1963) повести саргузашт сюжет асосига қурилган, воқеани қаҳрамоннинг ўзи айтади ва асар ҳажв-ҳазил пардада ёзилган. Аммо буларнинг барчасини бир-бири билан жипслаштирадиган ўқ томир бор, бу - меҳнаткаш инсоннинг одамийлиги, меҳр-шафқати, пок қалби ва меҳнатсеварлиги, чидам-бардошлигини очишдир, шу инсонни ҳимоя этиш, унинг орзу-армони учун курашиш ғоясидир.

«Шум бола» – юмористик асар. Ёзувчи асар бошидаёқ юмористик рух яратади, туйғу, кечинмалар таҳлилига берилмайди. Бутун диққатини характерлар мантиқи билан туғилган комик вазиятни, комик воқеа ва деталларни тасвирлашга қаратади. Бора-бора юмор сатирага ўтади. Асарда сатирик рух кучли, бу ёзувчининг шартлилик принципига кенг мурожаат этишининг натижаси ҳамдир. Шу шартлилик усули мантиқан асосланган ва у ҳаёт ҳақиқатини очиш, характер яратиш учун хизмат қилган.

Ёзувчининг инсонийликни улуғловчи асарларидан яна бири «Ёдгор» повестидир. Ғафур Ғулом ўша пайтдаёқ муҳаббат эрки масаласини кўтариб чиқиб, қолоқ психология, жаҳолат инсон бошига оғир кулфатлар олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб беради.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ғафур Ғулом шеърятда, ўзбек адабиётида олдинги ўринга чиқди, унинг номи собиқ Иттифок бўйлаб кенг ёйилди, ҳатто чет элларга ҳам етиб борди.

Уруш йилларида шоир ўз ижодининг бутун ҳароратини фашист босқинчиларига қарши курашаётган халққа қаратди, унинг муқаррар ғалабасига ишонч руҳи билан суғорилган шеърлар яратди. У «Сен етим эмассан», «Кузатиш», «Вақт», «Соғиниш», «Мен яҳудий» каби шеърлар, публицистик очерк ва мақолалар ёзиб, халқни жанг ва меҳнат ғалабасига отлантирди.

Президент И.А.Каримов шундай таъкидлайдилар: «Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. «Сен етим эмассан» Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек қалбидан ота-онасидан ва киндик қони тўкилган хонадонидан жудо бўлган болаларга қарата ана шу юрак сўзлари янгради. Ўша кезларда халқ шоири Ғафур Ғулом қуйидаги дардли сўзларини ёзган эди:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,

Ватанинг - онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфик,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор - отанг бор-

деб таъкидлаган».

Уруш йилларида яратилган «Мен яҳудий» шеърида шоир фақат яҳудий миллатини ҳимоя қилибгина қолмайди. «Мен ҳам одамман», «Ва менинг қоним ҳам халқлардан зарра», «Инсон иркиданман, инсон миллати» сўзлари замирида барча катта-кичик халқларни ҳам ҳимоя қилиш, ардоқлаш ва улуғлаш нияти бор.

Жумладан шоир шундай таъкидлайди:

Ғолиблар сафида
турарак мен ҳам,
Яъни содда формула:
Яҳудий – одам.

Менинг кимлигимни олам олқишлар,
Кўзимда бахтимнинг
куёш-сурурди,
мен яҳудийман...

Ғафур Ғулом ушбу шеърида дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятлар барча диндаги одамлар учун бир эканлигини таъкидлайди.

«Мен яҳудий» шеърини ўқиган Илья Эренбург «Гитлер яҳудийларни нишонга олган кунларда зўравон қонхўрнинг башарасига тикка мен яҳудий, дея мағрур хитоб қилган шоир чиқди. Бу ўзбек Ғафур Ғулом эди», дегани бежиз эмас.

Шоир 1942 йилнинг қишида бир гуруҳ шоир-ёзувчилар, ҳофизлар, бастакорлар билан жангчиларга совға олиб борганлар. Жанг майдонларида Ватан ҳимоячилари билан жуда кўп учрашувларда бўлган. Уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўриб «Талон-тарож қилинган ерда», «Салом ва табрик» шеърларини ўша ерда ёзиб, ўқиб берган.

Ғафур Ғулом урушдан кейин «Вақт», «Йигитларга», «Сиёҳдон», «Алишер», «Ёз», «Шараф қўлёмаси», «Поль Робсонга», «Фарғона учун», «Сен саломат бўлсанг бас», «Анор», «Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим», «Кулол ва заргар», «Алишер Навоийнинг қабри устида», «Тун била тонг» каби бир неча ўнлаб етук шеърлар яратди.

Шоир шеъриятида куйланган инсон дунёқарашида миллий тафаккур ва миллий шуурнинг ҳам ўз ўрни бор.

Миллий онгнинг, тафаккурнинг махсули сифатида талқин этиладиган бу туйғуни шеъриятига сингдиришда уриниш ходисаси Ғафур Ғулом шахсиятида сақланиб қолган «Миллий мен»лик билан асосланади. Шоир

шеъриятида миллий ғурурнинг ўзига хос илк кўринишини 1948 йилда ёзган «Алишер» шеърида учратиш мумкин.

Алишер Муштарий юлдузи каби
Ўзбек осмонида балқиган чоғи
Яна бир мухтарам ўғил кўргандай,
Каттароқ очилди олам кучоғи.

Шоир ўзбек халқининг камситилаётган тарихи, маънавий ва маданий меросини улўғ бобокалонимиз ҳазрат Навоий сиймоси орқали тиклашга уринади.

Миллий тарихимизни Ғафур Ғулом ғурур ва ифтихор билан, тантилик ҳамда жасорат ила тараннум этган шахс.

У ҳар дақиқа, фурсатни қадрлаш, қанчалик зарурат эканлигини, яъни тарих ғилдираги инсон яшаши, яратиш учун айланаётганлигини тараннум этди:

Яшаш соатининг олтин капкури
Ҳар бориб келиши – бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз кўрасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон,

- дея таъкидлади. Ғафур Ғулом бу тарихий фурсатни шундай якунлайди:

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Ғафур Ғуломнинг шарафли ҳаёт йўлларида серқирра ижодида халқимизнинг тарихи ва тақдир бутун жиддийлиги ва кўркемлиги билан акс этгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоир ўта мафкуралашган тарғибот асарлари талаб қилинадиган, фикр хурлиги, сўз эркинлиги бўғилган даврда яшаб ижод қилди, тўғри, унинг ижодида расмий давлат мафкурасига мослашган, коммунистик шиорлар уфуриб турган асарлар мавжуд эди. Бироқ шоир ижодида кўтарилган ишонч ва замон фалсафаси, миллий ғурур ва ифтихор ифодаси ўзбек халқи маънавиятига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Шоирнинг инсонпарварлик лирикаси 60-70 йилларда ўзбек адабиётига кириб келган ёшлар ижодий йўналишини белгилаб беради. Ғафур Ғулом ўз шеърияти билан ўзбек халқининг топталаётган миллий ғурурини тиклашга ҳаракат қилди, миллатга миллий ўзлигини таништиришга уринди. Унинг шеърлари ўз миллийлиги билан миллат қалбидан жой олди.

Ғафур Ғулом фаолиятининг яна бир қирраси унинг таржимонлигидир. У йигирманчи йилларнинг охирларидан бошлаб бу соҳада ҳам иш кўра бошлаган. Рус адабиётидан А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов, В.В.Маяковскийларнинг асарларидан айримларини ўзбек тилига таржима

қилди. Қардош халқлар адабиёти вакиллари Д.Бедний, Ҳоди Тоқтош, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Ш.Усмонов кабиларнинг турли жанрларга оид асарларидан ўзбек ўқувчисини баҳраманд қилди.

Чет эл адабиётидан В.Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир», Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ қишлоғи», Ф.Шиллернинг «Вилгельм Телль» асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Шоирнинг – бу серқирра фаолият соҳибининг мероси шеърлар, дoston ва манзумалар, ҳикоя ва повестлар, очерк ва публицистик асарлардан, шунингдек, унинг таржима асарларидан иборат бўлиб, шу сирада адабий-танқидий мақолалар, адабиётнинг қатор масалаларига оид тадқиқот ишлари ҳам салмоқли ўринга эга.

Ўзувчининг кўпгина асарлари инглиз, немис, форс, яҳудий, ҳинд, урду, араб, испан, поляк, венгер, албан, булғор, румин, француз, чех ва бошқа тилларга таржима қилинди.

Ғафур Ғулом йирик адабиётшунос олим бўлиб, 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган эди. Унга 60 йиллик юбилеи муносабати билан 1963 йилда Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилган. У 1964 йилда Қобул шаҳрида Абдурахмон Жомий туғилганлигининг 550 йиллик юбилеи тантаналарида иштирок этиб «Шарқ назми осмонининг икки порлоқ кўёши» деган мавзуда маъруза қилган.

1983 йилда шоирнинг 80 йиллик юбилеи муносабати билан уй музейи ташкил этилди. Ҳозир уй-музей маънавият ва эзгулик маскани бўлиб адабиёт мухлисларига хизмат қилмоқда. Музейнинг нақшкор дарвозаси ҳануз очик, меҳмондўст, меҳмоннавоз шоирнинг чироғини унинг севимли фарзанди Олмос Аҳмедова ёқиб ўтирибди.

Халқ унинг руҳини эъзозлаб нашриёт, университет, метро бекати, мактаб ва кўчаларга номини берди. Ўн жилдлик «Асарлар» (1970-1978) ва ўн икки жилдлик мукамал асарлар тўплами (1983-1990) босилиб чиқди. «Шум бола» қиссаси асосида фильмлар яратилди.

Ўзбек шеъриятининг оташин жарчиси, улкан сўз санъаткори Ғафур Ғулом миллий адабиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган адибдир.

Адибнинг:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди кадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сартлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин. –

деган мисралари буюк келажак даъваткори бўлиб қолади.

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди, Ғафур Ғулом 1966 йилда вафот этган.

Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом ҳақида

Табиат Ғафур Ғуломга ноёб истеъдод, нодир ақл-заковат, нозик ва ҳар томонлама англаш ва кўра олишдек ажойиб қобилият берди. Она тарих шоирга халқ билан бўлиш, эҳтиёжини теран ва аниқ тушуниш, ҳар қандай

шароитда ҳам ўз эътиқодида мустаҳкам туриш, ҳаёт ва халқ билан баробар қадам ташлаш, фақат яхшиликни усталик билан тарғиб этишнигина эмас, балки жуда мураккаб бўлган, эҳтимол кўпчиликка тушунарли бўлмаган нарсаларни ҳам оммага ишонарли тушунтиришдек нодир қобилиятни берди.

К.Норматов

Ғафур Ғулом поэзиясининг халқчиллиги шундаки, у ўз асарларида жонажон халқининг ҳаёт ҳақиқатини, орзу ва ўйларини, ёруғ истикболга бўлган ишончини акс эттирди.

Ш.Рашидов

Мен ҳар гал Ғафур Ғуломнинг асарларини ўқиганимда, «Шум бола» кинофильмининг кўрганимда, болалик кезларимда бобом билан бўлган суҳбат ҳаёлимга келарди ва атоқли адиб ростдан ҳам она қишлоғим Кавардонда бўлганми, дея ўз-ўзимга савол берардим.

Л.Мансуров

Шеърларини ўқиган одамнинг тўлқинланиб кетиб, дилида илиқ ҳислар уйғониши, ҳаёт кўзига янада гўзалроқ кўриниши, инсоний қадр-қимматини ва ифтихорини чуқурроқ сезиб олишига ҳам сабаб шунда, деб ўйлайман.

Комил Яшин

Шоир Ғафур Ғулом ўз гражданлик бурчини чуқур англаб ижод йўлига кирди ва бутун талантини, юрагининг жўшқин туйғуларини она-юртга, жонажон халқига бағишлади.

Сайфи Қудаш

Ғафурнинг ижодини ҳеч бир муболағасиз улкан чўққига қиёс этиш мумкин. Унинг енгил юмор билан тўлиб-тошган прозаси ҳам ўқувчини худди оҳанрабодек ўзига тортади.

М.Н.Шевердин

Ғафур Ғулом!

Унинг номини тилга олганда менинг тасаввуримда Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлмиш Тошкент, қизил, оқ ва номларини мен билмайдиган минг турли гулларга бурканган ям-яшил парк ва бульварлар гавдаланадилар. Ғафур Ғулом поэзиясида Ғафур Ғуломдек ажойиб шоирни тарбиялаб етиштирган ва менга ҳам жонажон бўлган Ўзбекистоннинг гўзаллигини кўраман.

Якуб Колас

Ғафур Ғулом қалқонбағир, жўмард, мунис-меҳрибон, инсонпарвар буюк зот эди. Ҳиммат, мурувват, шафқат, ҳамдардлик – бу фазилатлар сўзи билан иши бир, асарлари шахсий ҳаётининг давоми бўлган устознинг шуурига, вужудига сингиб кетган эди.

В.Рўзиматов

Ғафур Ғулом асарлари Эрон халқи учун ибрат бўладиган асарлар.

Саид Нафаси

XX асрда яшаб ўтган машҳур ўзбек шоири Ғафур Ғулом ўз даврининг мумтоз алломасигина бўлиб қолмай, ўз ижоди билан мангуликка дахлдор қаламкашлардандир.

О.Бўриев

Биз Ғафур Ғулом билан суҳбатдошлик шарафига муяссар бўлмасак-да, лекин уни кўриб шарафланган авлодданмиз. Ғафур Ғуломнинг шеъри қулоқларимизга она алласи билан кирган десам муболаға бўлмас, ҳар қалай уч яшар чоғимиздан қулоғимиз унинг оҳанглари сеҳрига ўрганганлиги рост.

И.Ғафуров

Назмда дарёдек тошқинсан Ғафур,
Дўстликда чашмадек жўшқинсан Ғафур.

Мирзо Турсунзода

Инсон суяр шоир Ғафур Ғуломни,
Инсонлар ёдидан ололмас ўлим.
Дунё суяр шоир Ғафур Ғуломни,
Дунёмиздан уни – ололмас ўлим.

Қ.Сейтлиев

Ўзбек халқининг унутилмас фарзанди, беназир шоири Ғафур Ғуломга хос бағрикенглик, меҳру мурувват, шарқона назокат, лутфу марҳамат Олмосхоннинг ёзган асарларида, асарларнинг табиатида барқ уриб туради.

О.Ҳожиева

Дадамдан олдин бирор шоир китобни офтобга қофия қилганми, йўқми билмайман-у, лекин китобни бу қадар улуғлаган инсонни бошқа кўрмадим.

Олмос

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Ғафур Ғулом ижодий фаолиятини биласизми?

Танловнинг мақсади китобхонларни Ғафур Ғулом ижоди, унинг таржимаи ҳоли, хотира-ёдномалари, таржима қилган асарлари ва нашр

этилган асарларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, билим юрти ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқади. Сўнгра шу саволлардан айримларини танлаб ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини шоирнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги асарларга, таржималарига қаратиш керак.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Ғафур Ғуломнинг шоирлик истеъдоди камол топишида Шарқ шеърий мактабининг қайси ижодкорларини таъсири бор?

(Шарқ шеърий мактаби – Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Ҳофиз, Шайх Саъдий, Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Бедил кабиларнинг ижодлари катта таъсир кўрсатди).

2. Қуйидаги мисралар кимнинг қаламига мансуб?

Созанда созига қўнган булбуллар.
Қўнсин қаламинга, шеърпараст бўлсин,
Давон гулшанинга ҳеч сўлмас гуллар.
Порлоқ асрларда дастма-даст бўлсин.

(Собир Абдулланинг «Дўстим Ғафур Ғуломга» шеъри).

3. Шоир Навоийнинг қайси радифли ғазалига мухаммас боғлаб, қандай асарини яратган?

(Навоийнинг «Тун ила тонг» радифли ғазалига мухаммас боғлаб, «Тун била тонг» асарини яратган).

4. Ушбу мисралар шоирнинг қайси асаридан олинган?

Дилингнинг кўзгусидан бир умрга кетсин ғаш,
Ичар чоғингда шаробинггадир ҳаёт аралаш,
Кечанг чароғиyo кундуз қуёшдек дилкаш,
Тунинг ҳужуста, тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваш,
Ки икки банда санга бўлди ҳоли тун била тонг.

(«Тун била тонг» (Навоий ғазалига мухаммас) асаридан).

5. Шоирларнинг Ғафур Ғуломга бағишлаб ёзган шеърларининг номини ва муаллифларини айтиб беринг?

- Собир Абдулла «Ғафур Ғулом», «Дўстим Ғафур Ғуломга», «Уни Ғафур Ғулом дейдилар»,
- Мирзо Трусунзода «Ғафур Ғуломга»,
- Назармат «Сўнмас қўшиқ»,
- Ҳабибий «Муборак»,

- Ғайратий «Отахон шоирга»,
- А.Орипов «Ғафур Ғулом»,
- А.Эшонов «Қуш ошён топади бўғотимизда»,
- Қ.Сейтлиев «Одам ва тириклик»,
- Ҳасан Тўфон «Ғафур Ғуломга» ва бошқалар.

6. Нозим Ҳикматнинг қайси асарини таржима қилган ва шу асардан парча келтиринг?

(Нозим Ҳикматнинг «Бир севги афсонаси» драмасини.

Маҳинбону. Демак, бир –бирларини ниҳоятда севар эдилар...

Энага. Жуда-жуда, маликам, худди қумрилардай. Қумрилар ҳам бир-бирларига бунчалик ошиқу беқарор бўлмас).

7. Б.А.Лавреневнинг қайси асарини таржима қилган ва шу асардан парча келтиринг?

(Б.А.Лавреневнинг «Денгиздагилар шарафига» асарини.

Хариотонов. Фақат шовқин-сурон бўлмасин. Агар осойишталик бўлса, кечкурунроқ уйга йиғиламиз, ўшанда ҳам онамнинг ҳурмати учун кампирни хафа қилгим келмайди... Ҳа, дарвоқе, флагмеханик... Яхшиям ёдимга тушиб қолди. Менинг сизда иккита зарур ишим бор. Шунинг учун ҳам ноилож сизни капитан Шабунинадан ажратиб оламан).

8. Г.Л.Мдивани, К.М.Симонов, Б.Сливколарнинг қайси драмаларини ўзбек тилига таржима қилган?

(Г.Д.Мдиванининг «Фронт бўйлаб буйрук», К.М.Симоновнинг «Рус кишилари», Б.Сливконинг «Мушфиқий» каби драмаларини таржима қилган).

9. Ушбу мисраларнинг муаллифи ким ва номини айтинг.

Дилим хазинаси сўз гавҳари-ла лиммо-лим,
Қаёнга хатки ёзибман, шеър муҳри-унвон эди.

Ҳамиша шод эдим қайғу-ғамни билмас эдим,
Дилим қувончу ўйин-кулгиларга майдон эди.

(Рудакийнинг «Қариликдан шикоят» ғазали. Ғафур Ғулом таржимаси).

10. Шайх Саъдийнинг қайси асарини таржима қилган ва ундан парча келтиринг.

(Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржима қилган.

Агарчи билимдонлар ҳузурида жим туриш
Одобдир, Аммо, пайти келганида сўзлаб қол.
Икки ҳол ақлсизлик: гап келганда гапирмай,
Зарур чоғда жим турмай, бўлиб кетиш сўзамол).

11. А.С.Грибоедов, А.С.Пушкин, И.А.Крилов, М.Ю.Лермонтовларнинг қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

(А.С.Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», А.С.Пушкиннинг «Олегнинг Фоли тўғрисида кўшиқ», «Кавказ», «Қиш кечаси», «Граф Нулин»,

И.А.Криловнинг «Итхонага кириб қолган бўри», «Фил ва лайча», М.Ю.Лермонтовнинг «Бородино», «Ҳожи Абрек», «Қарағай» каби асарларини ўзбек тилига таржима қилган).

12. Ғафур Ғулом Мирзо Турнсузоданинг қайси асарини таржима қилган ва асардан парча келтиринг.

(Ғафур Ғулом Мирзо Турсунзоданинг «Ҳиндистон қиссаси», «Ватанга қайтув» асарини таржима қилган.

Мен қачон туккан Ватан тупроғига қўйдим қадам,
Тоза рухсорига юз суртиб ўпардим дам-бадам,
Озгина муддат узоқлашдим, бироқ ёди анинг,
Бошим узра тонг елидек чеврилар эрди шу дам,
Энди дўстлар бағрида ўзни кўриб тўйгай кўзим,
Қайта айтгайман қулоғига бу кун ширин сўзим,
Қайтиб олгайман нафас тоза хавосидан анинг
Қайта ичгайман қониб қайнар булоғидан ўзим).

13. Ғафур Ғулом Вильям Шекспир, Лопе де Вега, Фридрих Шиллерларнинг қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

(Ғафур Ғулом Вильям Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» трагедияларини, Лопе де Веганинг «Қўзи булоқ қишлоғи», «Фуенте Овехуна» асарини, Фридрих Шиллернинг «Вильгельм Тель» асарларини ўзбек тилига таржима қилган).

14. Қуйидаги мисралар адибнинг қайси шеърдан олинган ва шеърни давом эттиринг.

Бир ватаннинг ўғлименким, ҳар тараф гул-лола боғ,
Қалб кўзидай энг қоронғи кечада порлар чароғ,
Ҳар йигит мағруру ҳар қиз кўкраги қўш чўққи тоғ.
Сув десанг шарбат оқар, иқлим десанг қаймоғу ёғ,
Ўз-ўзини мактаганда, мактамай қолғайми мен?
(Ғафур Ғуломнинг «Боғ» шеъри).

15. Ҳар дақиқа, фурсатни қадрлаш, қанчалик зарурат эканлигини шоир қайси шеърда келтирган ва шеърдан бир парча ўқиб беринг.

(Ғафур Ғулом «Вақт» шеърда вақтни қадрлаш, қанчалик зарур эканлигини бадиий жиҳатдан акс эттирган.

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди кадрин.

Фурсат ғаниматдир, шоҳ сартлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

16. Ғафур Ғуломнинг урушдан кейин ёзган шеърлари қайсилар?

(«Вакт», «Йигитларга», «Сиёҳдон», «Алишер», «Ёз», «Шараф қўлёмаси», «Поль Робсонга», «Фарғона учун», «Сен саломат бўлсанг бас», «Анор», «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим», «Кулол ва заргар», «Алишер Навоий қабри устида», «Тун била тонг» каби бир қанча шеърлар яратган).

17. Ғафур Ғуломнинг қандай ҳикояларини биласиз?

(«Саодат», «Пуч умидлар», «Иноқлик», «Сабаб», «Фарзанди солих», «Луқмон», «Бўйдоқ», «Тўрт хангома», «Эри билан бас бойлашган хотин», «Ҳасан Кайфий», «Пирмуҳаммад ва унинг неvara-чеваралари» ва бошқалар).

18. Ғафур Ғулом маҳалла тўғрисида қандай фелъетон ёзган?

(Ғафур Ғуломнинг «Маҳалла – қўйи гузар ёки туфконнинг таги» мавзусида фелъетони мавжуд).

19. Адибнинг қандай миниатюраларини биласиз?

(«Шоир Мавлоно Пайдонинг ҳикматли сўзларидан», «Қиёмига етган фикрлар», «Икки драматург учрашганда», «Икки маст ўртасида», «Бир шоирга», «Калта гап икки дўст», «Исахон Аския», «Абдулла Фонусчи» ва бошқалар).

20. Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида кимлар китоб ёзганлар?

(М.Бақоев «Ғафур Ғулом ва тожик адабиёти», А.Жабборов «Ғафур Ғулом ва озарбайжон адабиёти», В.Зоҳидов «Улуғ шоир ўғитлари», А.Зуннунов «Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижоди», С.Мамажонов «Ғафур Ғулом прозаси», О.Саидов «Ғафур Ғулом поэзияси ҳақида», Олмос, «Армонлар», «Таъзим», Б.Чориев «Ғафур Ғулом шеърляти тили» ва бошқалар).

21. Ғафур Ғулом номи билан боғлиқ жойларни айтиб беринг.

(Ғафур Ғулом номидаги метро бекати, уй-музейи, мактаб ва кўчаларга шоирнинг номи берилган).

22. Ғафур Ғуломнинг асарлари қаерларда чоп этилган?

(Осиё, Африка ва Европада Ғафур Ғуломнинг асарлари нашр этилган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа кенглиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, мусаввирлар, муסיқашунослар, санъаткорлар, бастакорлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, шунингдек адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни адибнинг ватан, она, Ўзбекистон ва бошқа мавзуларда ёзилган шеърларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 5 та кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, билим юрти ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир қатнашувчига рақам берилади. Беллашув қатнашувчилари айтмоқчи бўлган шеърнинг мавзусини, агар имкон бўлса қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда китоб кўргазмасини ташкил қилиш лозим.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуна келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: «Тошкент» шеъри, 1934 йилда ёзилган.

Тошкент Осиёнинг кўркли ўрнида,
Мақталса арзийди, оз эмас-анча.
Тошкентнинг ложувард тоза кўкида,
Шаббода тинмайди тонгдан кечгача.

Узоқ Ҳинд, Хитойда юрт кечган қуёш
Тошкент осмонида ҳордиқ олади.
Озод ўлка устига нур тўкиб ёввош,
Улуғ қурилишларга кўзин солади.

Тошкентнинг сувлари шунчалар тоза:
Чирчиқ, Оҳангарон, Бўз, Анҳор, Солор,
Беқасам жилоли шу буюк фазо,
Рангини, тўғриси, Тошкентдан олар.

2-рақамдаги қатнашувчи: «Ўзбекистон» шеъри:

Тарихинг минг йиллар билан бўй ўлчар
Сийнангда қадимий халқлар авлоди.
Янги тарих учун асос бўлолмас,
Кечмишнинг «мақтовли» насаб, аждоди.

Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон,
Халқимиз чамани, боғи бўстони.
Тарихин ёзмокқа кичиклик қилур
Шоир Фирдавсийнинг катта достони.

Хоразм воҳасининг олтин тупроғи
Байрамда ёзилган тўкин дастурхон,
Хива, Урганчларнинг кўк гумбазида
Ўзини кўради нилий осмон.

Бухоро, Самарқанд ўзбек халқининг
Қадим пойтахти бўлган шаҳарлар,

Бу ерда ҳар битта кошин, минора
Минг йиллик тарихдан берар хабарлар.

3-рақамдаги қатнашувчи: «Тун била тонг» (Навоий ғазалига мухаммас)

Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг,
Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг,
Менинг куюк маҳим, онинг ҳилоли тун била тонг
Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Нечук тушунтира олдим уни гумон элига,
Ҳамиша ишки қилгувчи имтиҳон элига,
Ки бирни икки дейиб бўлмағай замон элига,
Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига
Кўрунмамиш бу иккининг мисоли тун била тонг.

Қачонки зулмату нур ўрнини олмошадур,
Қора бошимдаги савдо дилимга тирмошадур,
Қоним куярда танимнинг алангаси ошадур,
Тонгим ёруғу тунум тийрадурки, чирмашадур
Кўнгил аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг.

4-рақамдаги қатнашувчи: «Ўзбекистон шабчароғи, олмоси
Фарғонадир»

Ўзбекистон шабчароғи, олмоси Фарғонадир,
Ерда юлдузлар каби ҳар ерда гавҳар ёнадир,
Ҳар тараф боғи Эрам, ҳар манзили кошонадир,
Қувнаган халқнинг лабида ханда бўлмай ёнадир,
Чунки унга бахту иқбол ҳар замон дилдору ёр.

Водиймиз танбурки, ҳар бир вақт овози соз, жаранг,
Бир канал очдинг кумуш тордек унга монанд таранг,
Халқи жўр бўлса бу танбурга бўлур олам гаранг.
Ер зумуррад, кўк забаржад, ҳар тарафда мингта ранг,
Яшна халқим, яшна водий, яшна эй сетор, тор.

5-рақамдаги қатнашувчи: «Онажонимга» шеъри, 1963 йилда ёзилган.

Меҳри офтоб бўлган,
Ҳар сўзи китоб бўлган.
Ёғу қаймоқ, мураббо,
Ой кулчам, ширин кулчам,
Жаҳон онажонимсиз.

Юлдузни узиб берай,

Кундузни тузиб берай.
Ватанимдай бебаҳо
Кундузимсиз ҳам кечам,
Осмон онажонимсиз.

Ўзингиз чироқмисиз,
Гулмисиз, япроқмисиз,
Мен ахир ғунчаман-ку,
Битта кучоқлаб олай-
Ватанимни кучгандай.

Беллашув 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда баҳоланиб борилади.

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтиувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Оғзаки журнал

Кутубхоналарда ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий матбуот журналига бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал ҳам матбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуга бағишланган бўлиши мумкин. Оғзаки журнал ҳам шоирнинг шеърини, мақоласини, адабиётшуносларга доир шарҳловчининг чиқишларини ўз ичига олиши мумкин. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бундай муаллифлар кутубхоначилар, адабиёт ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар саҳифаси бирор-бир масалага бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бирмунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхона кечалари каби оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи киши очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Қуйида Ғафур Ғуломнинг туғилган кунига 100 йил тўлиши муносабати билан оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Ундан шоир Ғафур Ғулом юбилейига бағишланган кеча ўтказишда фойдаланишингиз мумкин.

«Ғафур Ғулом шоир ва адабиётшунос» номли оғзаки журналнинг намунавий режаси

Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижодини, унинг изланишларини, бадиий публицистик, фельетончилигини, юмористик қиссачилигини ва таржимачилигини кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда «оғзаки журнал»лар алоҳида ўрин тутади.

Оғзаки журнал ўтказиш тўғрисидаги битик (эълон) лар осиб қўйилади ва маҳаллий матбуот орқали хабар берилиши керак; оғзаки журнал ўтказиш учун зални жиҳозлаш, керакли мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун фаол китобхонлардан ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибини режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусикали ёзувларни тўплаш, таклифнома буюртириш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очиши керак.

Ушбу оғзаки журнал куйидаги саҳифаларга бўлиниши мумкин.

1-саҳифа: «Ғафур Ғуломнинг ёшлик йиллари».

2-саҳифа: «Унинг иш фаолияти».

3-саҳифа: «Илк ижоди ва адабиётшунослиги».

4-саҳифа: «Ғафур Ғулом - таржимон».

5-саҳифа: «Шоир ҳаётининг сўнгги йиллари».

Ушбу саҳифалар бўйича мутахассислар танланиб, чиқишлар қилинади.

Ҳар саҳифадан сўнг мусикали танаффус берилади.

1 – саҳифа

«Ғафур Ғуломнинг ёшлик йиллари»

Ушбу саҳифада Ғафур Ғуломнинг туғилган йили, болалигининг кечиши, дастлабки мактаб даври ва ўқувчилик даврининг кечиши ва якунланиши ҳақидаги маълумотлар берилади.

2 – саҳифа

«Унинг иш фаолияти»

Бу саҳифада эса меҳнат фаолиятининг бошланиши, дастлабки иш жойлари ва меҳнатининг тақдирланиши кабиларни ёритувчи маълумотлар берилади.

3 – саҳифа

«Илк ижоди ва адабиётшунослиги»

Бу саҳифада Ғафур Ғуломнинг биринчи шеърий тўплами, шоир сифатида шаклланиш даври, адабиётшунослик бўйича олиб борган ишлари ҳақида гапирилади.

4 - саҳифа

«Ғафур Ғулом- таржимон»

Ушбу саҳифада унинг таржимонлик фаолияти ҳақида гапирилади.

5 – саҳифа

«Шоир ҳаётининг сўнгги йиллари»

Бу саҳифада шоирнинг сўнгги йиллардаги ижоди ва қардош тилларда ёзган мақолалари ҳақида гапирилади.

«Ғафур Ғулом шоир ва адабиётшунос» номли оғзаки журнал муҳаррири ҳар бир саҳифа бошланиши ва сўнггида саҳифаларни тўлдириб бориш зарур. Оғзаки журнал сўнггида муҳаррир хулосавий, якуний сўзни сўзлаб журнални ёпади.

XXI аср авлоди бу улуғ ватандошимизнинг хотирасини азиз тутсин. Ундан ватанпарварлик, инсонпарварлик таълимини олсин. Ёш ижодкорлар эса ўзбек адабиётини, адабиётшунослигини Ғафур Ғуломона асарлар билан муттасил бойита берсин.
А.Қаюмов

Ғафур Ғулом зукко шоир (мунозара учун саволлар)

1. “Мен яҳудий” шеъри нима учун Америка ва Яқин Шарқда жуда машҳур ва бугунги кунда қандай аҳамиятга эга?

2. Қайси мавзу ижодини бошидан то охиригача қаламга олинган, сабабини нимадан деб биласиз?

3. Ғафур Ғулом ўзбек халқига эзгулик дарсини ўтайдиган тарбиячилардан бири эди, дейилади. Сиз бунга қайси асарлари мисолида чуқур таҳлил қила оласиз?

4. Ғафур Ғулом тафаккурининг теранлигини қайси асарлари мисолида келтириш мумкин.

5. Унинг миллий ғурурни тиклашга ҳаракат қилган асарларидан қайсиларни кўрсата оласиз? Уни ўзингиз таҳлил қилинг.

6. Келажак авлодни тарбиялашда Ғафур Ғуломнинг ижодини аҳамиятли томонларини кўрсатинг.

«Ғафур Ғулом мумтоз шеърят куйчиси» номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмасининг мақсади, кутубхонада ўтказилаётган учрашув ва тадбирларни тўлдиради, мустақил ўтказишга ёрдам беради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ғафур Ғулом жарчи шоир

Ғафур Ғулом эса фикрати сулув,
Мумтоз шеърятдан ичар эди сув.
«Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб»-
Дея бир шеърида айланган хитоб.

«Лойқа ҳаёлотлар чашмадай тиниб».
Шоир елкасига фаришта миниб,
Гўзал сатрларни, айларди инъом.
Бахтли шоир эди, бас Ғафур Ғулом.
О.Бўриев

Бу бўлимга Ғафур Ғулом асарларининг алоҳида нашрлари ва асарларининг бошқа тиллардаги нашрлари қўйилади.

2. Ғафур Ғулом адабиётшунос

Ғафур Ғулом бадиий ижод билан илмий
ижодни биргаликда амалга оширадиган нодир
зотлардан бири эди. Унинг ўзбек адабиётшунос-
лиги ривожига қўшган улуши улкандир.

А.Қаюмов

Бу бўлимга Ғафур Ғуломнинг адабиётшуносликка доир нашрлари,
илмий мақолалари қўйилади.

3. Ғафур Ғулом моҳир таржимон

Кўркам мўйсафид бўл, кекса бир арслон.
Сингари из қолсин саловатингдан.
Келиб зиёратга саф-саф китобхон
Чуқур мазмун топсин Ғафур отингдан.

Собир Абдулла

Бу бўлимга Ғафур Ғуломнинг хорижий адабиёт шоир ва ёзувчилари
асарлар, қардош халқлар адабиётидан ўзбек тилига таржима қилган асарлари
қўйилади.

4. Ғафур Ғулом образи ўзбек адабиётида

Навоийни севиб сақлаган каби,
Сени ҳам юракда сақлар элларинг.
Боқий қўшиғи бор ёш наслларнинг,
Қўшиқлар боғида эккан гулларинг.
Сени ҳам юракда сақлар элларинг.

Қ.Сейтлиев

Бу бўлимга шоир ва ёзувчиларнинг Ғафур Ғуломга бағишлаб ёзган
асарлари ва у ҳақидаги бошқа маълумотларга эга бўлган адабиётлар ва
нашрлар қўйилади.

Кутубхоначига ёрдам сифатида манбалар рўйхати

Ғафур Ғулом (1903-1966) Библиография /Тузувчилар: С.Эшонхўжаева,
З.Полвонова; Ред. В.Рўзиматов.-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти,1972.-200 б.

Чориев Б. Ғафур Ғулом шеърляти тили /Масъул муҳаррир А.Шерматов.-Т.: Фан, 1990.-Б.106-111.

Қуйида яна кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркумини ҳавола этамиз

Мавзулар таҳминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан то қишлоқ кутубхонасигача ҳар бир кутубхона тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Мавзули кеча

1. «Ғафур Ғулом шеърларида миллийликнинг улуғланиши»
2. «Ғафур Ғулом –адабиётшунос»
«Шеърят жарчиси» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Одам ўз тақдири, бахтини ўзи меҳнат ва кураши орқали яратади»
2. «Ғафур Ғулом-фольклоршунос»
«Мумтоз адабиёт билимдони» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. «Алишер Навоийнинг Ғафур Ғулом ижодига таъсири»
2. «Бобур, Машраб, Муқимий, Ҳофизлар ижодининг Ғафур Ғуломга таъсири»
«Халқ меҳрига мушарраф» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. «Ғафур Ғулом асарларида оталик туйғуларининг қуйланиши».
2. «Ғафур Ғулом асарларида инсонийликнинг улуғланиши».
«Ғафур Ғулом файласуф» мавзуида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. «Ғафур Ғулом таржималарини биласизми?»
2. «Ғафур Ғулом шеърлятида она образи»
3. «Шоирнинг ҳаётини биласизми» каби мавзуларда;
«Меҳри дарё шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Ғафур Ғулом замондошлари:

Шукрулло, Рамз Бобожон, Азиз Қаюмов, Одил Ёқубов.

Шогирдлари:

Саид Аҳмад, Ваҳоб Рўзиматов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби шоир ва ёзувчилар билан.

«Зукко шоир», «Умри боқий шеърят» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. «Ажойиб инсон эдилар»
2. «Улуғ шоир ўғитлари»
3. «Шоирнинг чироғи ёниқ» каби мавзуларда

«Ўчмас номинг жаҳонда» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

«Ғафур Ғулом 100 ёшда» рукни остида картотека тузиш ва асарларининг алоҳида нашрлари, у ҳақдаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.

«Ғафур Ғулом 100 ёшда» рукни остида тематик папкалар ташкил қилиш ва расмларининг альбомларини ташкил қилиш.

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталарини, филологлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъаткорлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

А д а б и ё т л а р

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон. 1996.-364 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т.10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-432 б.

* * *

Ғулом Ғафур. Мукаммал асарлар тўплами: 12т. /ЎЗР ФА А.С.Пушкин ном. Тил ва адабиёт ин-ти; Таҳрир хайъати: С.Азимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: С.Эркинов.-Т.: Фан, 1983.-1990.

Т.1: Шеърлар. 1923.-1940.-1983.-327 б.

Т.2: Шеърлар.1941-1953 /Масъул муҳаррир: Ю.Султонов.-1984.-432 б.

Т.3: Шеърлар. 1954-1966 /Масъул муҳаррир: С.Эркинов.-1984.-528 б.

Т.4: Достонлар, балладалар, манзумалар /Маъсул муҳаррир: В.Рўзиматов.-1985.-218 б.

Т.5: Повестлар, пьесалар/Масъул муҳаррир:С.Мамажонов.-1986.-355 б.

Т.6: Ҳикоя ва фелъетонлар /Масъул муҳаррир: Н.Владимирова.-1986.-520 б.

- Т.7: Очерклар, публицистика /Масъул муҳаррир: С.Эркинов.-1987.-585 б.
